

ЛИНГВОМАДАНИЙ КОНЦЕПТНИНГ ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Т. Мардиев ¹, А. Гаффаров ²

Аннотация:

Ушбу мақола концептнинг ўзига хос тузилиш, таржимада айнан структураларига кўра ахамияти ҳақида бироз фикрлар баён этилган. Зеро концепт аксарият экстралингвистик ҳолатларни қамраб олганлиги туфайли, структураси жиҳатдан таржима тилида ўзининг айна маъносига эга бўлавермайди. Яъни концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир тарафдан унга тушунча қурилишини ташкил этувчи барча воситалар тегишли бўлса, бошқа тарафдан концепт структурасига уни маданият омили сифатида намоён этувчи воситалар: этимологияси, қисқа мазмуннинг асосий белгилари тарихи, замонавий ассоциациялари, муносабат, коннотациялар қиради.

Калит сўзлар: концепт, лингвомаданий, структура, этимология, семантик, лингвистик, когнитив, онг, воқелик, идрок.

doi: <https://doi.org/10.2024/dmtvkv82>

Маълумки, тил тафаккурини ўрганадиган фанларни бирлаштирадиган концепт атамаси кўплаб илмий йўналишларнинг предмет соҳаларини қамраб олади. Лекин ҳар қандай тушунишда концепт тафаккурнинг муомала бирлиги-билимларни чегаралаш ва категориялаш усули ҳамда натижаси (чунки белги характердаги ментал маънолар унинг объекти) ҳисобланади.

Семантикада концептнинг мазмунини белгиловчи унсур тушунча бўлиши мумкин. Лингвомаданий концептнинг таркибий қисми бўлмиш тушунчани ҳар хил турдаги семантик белгилар юзага келтиради. Лингвомаданий концепт мазмунида ҳал қилувчи сифатида образли-метафорик коннотация ёки прецедент алоқалар формасидаги ассоциатив компонент намоён бўлади. Замонавий тилшунос олимлар (С.Г.Воркачев, З.Д.Попова, И.А.Стернин) концептнинг ўзига хос комплекс равишдаги табиати ва структурасини аниқлаб, унинг таркибини лингвистик, когнитив, маданий, психологик ҳамда миллий хусусиятлар ташкил қилишини эътироф этадилар. Концептнинг лингвистик жиҳати тил белгиларининг семантикаси билан боғланса, когнитив тарафи инсон онгида воқеликни идрок этишда хизмат қилувчи ментал бирликни қамраб олади.

Концептлар ўзига хос тузилишга эга бўлиб, таржимада айнан структураларига кўра муаммо юзага келади. Зеро концепт аксарият экстралингвистик ҳолатларни қамраб олганлиги туфайли, структураси жиҳатдан таржима тилида ўзининг айна маъносига эга бўлавермайди. Тилшунос олим В.А.Маслованинг фикрича, концепт структурасига нисбатан қуйидаги нуқтаи назарга эга. Яъни концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир тарафдан унга тушунча қурилишини ташкил этувчи барча воситалар тегишли бўлса, бошқа тарафдан концепт структурасига уни маданият омили сифатида намоён этувчи воситалар: этимологияси, қисқа мазмуннинг асосий белгилари тарихи, замонавий ассоциациялари, муносабат, коннотациялар қиради.

И.А.Стернин эса концепт структурасига қуйидагича изоҳ беради. Концепт муайян структурага эга ва бу тафаккур фаолиятидаги фаол динамик ўрни билан узвий

¹ Мардиев Тўлқин Кулибаевич, СамИСИ доценти

² Гаффаров Азизбек, СамИСИ 1-курс талабаси

боғлиқ. У доим ўзининг турли таркибий қисм ва аспектида ҳаракатланади ҳамда бошқа концептлар билан бирлашади, ё улардан узоқлашади [6,34].

Н.К.Рябцева концепт тузилишига ўз муносабатини шундай баён этган. Концепт мураккаб ҳамда кўп аспекти тушунча бўлиши билан бирга мазмунларнинг тартибсизлигидан иборат эмас, балки ўзининг муайян ички тузилишига эга бўлган мантикий структурадир. Концепт структураси занжирсимон, радиал ҳолатда ёки аралаш бўлиши мумкин. Шунингдек, концепт структурасида марказий ва периферия зоналари мавжуд. Концепт асосида унинг базавий унсурлари ёки дастлабки прототипик модели мужассамлашган бўлади. Демак, олимларнинг юқорида келтирилган фикрларини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, концептлар кенг қамровли, ўзгарувчан хоссага эга ва ички қурилмаси бир хил бўлмаган ментал тузилмадир.

Концепт структурасининг таркибини образлилик, ассоциативлик ташкил этганлиги боис, аксарият лисонда концепт тил бирликлари (лексик, фразеологик бирликлар, паремиялар, стилистик воситалар, реалиялар ва б.) орқали акс эттирилади. Мазкур лисоний бирликлар тилнинг энг ёрқин ва ўзига хос хусусиятларига эга, образлиликни ташкил этувчи қатламларидан бири бўлиб, уларда халқнинг турмуш тарзи ва фаолияти, тарихи, маданияти мужассамлашар экан, шу жиҳатдан улар концептлар билан ҳамоҳанг бўла олади.

Концепт таркибига образли таркибий (типик тасаввур, гештальт, прототип, стереотип, символ ва ҳоказо) қисмнинг киритилиши [2,80] уни кўргазмаликка эга бўлмаган тушунчадан фарқ қилдиради. Бундан ташқари, концептнинг номи билан эркин бўлмаган боғланишда акс эттирилган “ашёвий коннотациялар” унинг этномаданий жиҳатдан ўзига хослигини очиб бериши мумкин.

Сўзда концептни гавдалантирган “образли таркибий қисм концептнинг пайдо бўлишидан символгача ўсиб боришини кузатиш мумкин” [4,107]. Лингвомаданий концептнинг ўзига хос хусусиятини, унинг ижобий хислатларини шакллантирувчи “вертикал контекст”га киришини ҳам белгилаш мумкин. Бу нарсa этномаданий жамият аъзоларининг ҳаммасига маълум бўлган вербал, символик ёки воқеий феноменлар билан боғланиш қобилиятидир [1,95]. Ниҳоят концептнинг уч “ўлчови” ичида номинативлик, маълум бир табиий тилда ўз вербаллашуви билан боғланган лингвомаданий “белгининг гавдаланиши” – концепт ва уни акс эттирувчи сўзга қаратилган хусусият энг асосийси бўлиши мумкин.

Баъзи манбаларда концепт модели ядро ва периферия атамалари билан ифодаланади ва унда кўрсатилган концепт модели қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- а) концепт ядро, яъни ҳис қилинмайдиган образдир;
- б) концептдаги маъно ядродан узоқ масофада узоқлашганда, ундаги асосий қатлам маъноси бир-бирига нисбатанмавҳумликка айланади;
- в) концепт талқиний майдони, ядро мазмуни ва концептуал белгиларнинг тафаккурини тасдиқлаш, хилма-хил стереотипларга кўрсатмалар тарзида баҳолаш ва талқин қилишни ифодалайди ва миллий, индивидуал ҳамда умумий тафаккурга боғлиқ бўлади [1,64]. Шу каби И.А.Стернин ҳам концепт таркибида қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатади: тилнинг барча соҳиблари учун мавжуд бўлган, асосий, “фаол” белги; “пассив” белгилар; айрим социал гуруҳлар учун долзарб бўлган қўшимча; тадқиқотчилар учун муҳим бўлган этимологик белги кабилар [6,34].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, концепт камида уч ўлчовли ментал тузилма ҳисобланади. Масалан, В.И.Карасик “Концепт уч муҳим ўлчовга эга-образли томони; тушунчага оид; қадриятга оид каби. Концептнинг образли томони хотирамизда акс этган предметлар, ҳодисалар, воқеаларнинг кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш хусусиятлари бўлиб, улар амалий билимларнинг релевант белгилари ҳисобланади. Концептнинг тушунчага оид томони- баъзан алоҳида ҳолда мавжуд бўлган у ёки бу

концептга нисбатан мазкур концептнинг қиёсий жиҳатидаги характеристикаси, концептни лисоний қайд қилиш, уни тасвирлаш, белги структураси, дефиницияси, уларнинг муҳим сифати –бизнинг тажриба системамизга голографик жиҳатдан кўп спектрли, кўп қиррали ўлчовлиликка қаратилганлик; концептнинг қадрият томони-индивидуум учун ҳам, жамоа учун ҳам бу психик тузилманинг аҳамиятидир”[3,41]. Ю.С.Степанов а) асл маъно (ички шакл); б) пассив маъно (тарихий қисим); в) янги кўриниш (долзарб ва фаол шакл) деб эътироф этади. [5,8].

Хуллас, юқорида айтилганлардан кўринадики, манбаларда концепт модели, структурал тузилиши турли атамалар билан номланган ва турлича тушунчалар билан изоҳланган. Ушбу ўринда биз юқорида номлари қайд этилган тилшуносларнинг фикрларини муҳим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки 2001. №1.

[2]. Воркачев С.Г. Сопоставительная этносемантика телеономных концептов “любовь” и “счастье” Монография. – Волгоград.: Перемена, 2003. -164 с.

[3]. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс.– Волгоград.: Перемена, 2002. - 477 с.

[4]. Колесов В.В. Язык и ментальность– СПб.: Петербургское востоковедение, 2004.- 240 с.

[5]. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования.– М.: Языки русской культуры, 1997.-824с.

[6]. Стернин И.А. Может-ли лингвист моделировать структуры концепта? // Когнитивная семантика. Материалы второго международного семинара по когнитивной лингвистике, 11-14 сентября 2000 г. (Отв. ред. Н.И. Болдырев:В 2 ч. Ч. 2.). – Тамбов.: Изд-во ТамГУ. 2000.-160с.